

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган топшириқларнинг ижроси юзасидан

МАЪЛУМОТ

Давлат дастури банди	Банд ижроси бўйича эришилган амалий чора-тадбирларнинг тезис шаклидаги таҳлили
171-банд	<p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Д.Қўчқоров томонидан “Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш” бўйича чора-тадбирлар дастури 2022 йил 28 апрелда (02/1-180-сон) тасдиқланди.</p> <p>Шунга мувофиқ:</p> <p>“Солиқ” мобил иловаси орқали келиб тушган мурожаатлар асосида 2 184 та сайёр солиқ текширувлари ўтказилиб, шундан 1 928 та ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар давлат рўйхатидан ўтказилиб фаолият юритиши таъминланди;</p> <p>450 мингта белгиланган режа 991,1 мингтага ёки 220,2 фоизга бажарилди;</p> <p>худудий давлат солиқ хизмати органлари томонидан норасмий фаолият юритаётган жисмоний шахсларга банк кредитлари олиш, шунингдек имтиёзли кредитларни олишга имконият мавжудлигини тушунтириш ва профилактик суҳбат ўтказиш орқали 615 560 таси ёки 62,1 фоизи рўйхатга олиниши таъминланди;</p> <p>жорий йилнинг ўтган даврида 53 нафар риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар рўйхатга олиниб, фаолияти қонунийлаштирилиши таъминланди;</p> <p>38 840 та солиқ тўловчиларнинг раҳбарларига нисбатан уларнинг шахсий кабинетига огоҳлантириш хабарномалар юборилди, солиқ ҳисоботларни тақдим этмаган 15 852 та юридик шахснинг раҳбарларига нисбатан 35 428,8 млн.сўмлик маъмурий жарима қўлланилди;</p> <p>Сервис соҳасида фаолият юритиш бўйича рўйхатдан ўтиб, 2021 йил давомида фаолият юритмаган 5 480 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати шакллантирилди ва уларга амалий ёрдам бериш юзасидан шахсий кабинетига хабарномалар юборилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди;</p> <p>Субъектлардан 1 254 тасининг фаолиятини қайта тикланишига амалий ёрдам кўрсатилди.</p> <p>Бунинг натижасида ушбу субъектлар томонидан 1 992,5 млрд.сўм товар айланмаси амалга оширилиб давлат бюджетига қўшимча 106,2 млрд.сўм солиқ ҳисобланди.</p> <p>“Солиқчи кўмакчи” тамойили асосида Сервис соҳасида фаолият юритаётган 44 667 та субъектларда манзилли ўрганишлар амалга оширилди, шундан 35 140 та субъектларга амалий ёрдам зарурлиги аниқланди, 35 091 та субъектларга амалий ёрдам кўрсатилиб муаммолари бартараф этилди, 49 тасининг муаммолари назоратга олиниб, ижрода турибди.</p>
Давлат дастури банди	“Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш” бўйича чора-тадбирлар дастури таҳлили

<p>171-банд</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Д.Қўчқоров томонидан “Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш” бўйича чора-тадбирлар дастури 2022 йил 28 апрелда (02/1-180-сон) тасдиқланди.</p> <p>Мазкур чора-тадбирда:</p> <p>Соғлом рақобатни чекловчи ва тадбиркорлар фаолиятини яширин юритишга мажбурловчи омилларни бартараф этиш;</p> <p>Ўзини ўзи банд қилиш механизмини янада такомиллаштириш;</p> <p>Риэлторлик соҳасида яширин иқтисодиётда фаолият юритувчиларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятини легаллаштириш;</p> <p>Солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда топширилишини тартибга солиш;</p> <p>Фаолият юритмаётган ёки “Ноль” ҳисобот топширган корхоналар фаолиятини тиклашга кўмаклашиш белгиланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди (ID-46174) ва Адлия Вазирлигининг хулосаси олинди 2022 йил 27 майда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>
------------------------	--